

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz

№ 27 (832)

2011 йил, 24 июнь, жума

Мустақиллик — барча ютуқларимизнинг асосидир

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи кунини Қарши туманидаги "Рамз Норов" фермер хўжалиги далалига ташриф буюрди.

Вилоят миришкорлари 145 минг гектар майдонда етиштирилган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиштириб олиш чораларини кўрмоқда. Айни пайтда 160 минг гектардан зиёд ерда парваришланаётган гўза қатор ораларига агротехник талаблар асосида ишлов бериш, нам сақлаш технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

— Ёзнинг ҳар бир кунидан, айниқса, июль-август ойларидан самарали фойдаланиш ҳосил тақдирини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини тажрибали деҳқонларимиз яхши билади, — деди Ислам Каримов. — Бу йил ҳавонинг нисбатан қуруқ келгани деҳқонларимиз учун бирмунча қийинчиликлар туғдирган бўлса-да, улар ўз тажрибаси, маҳорати ва бетиним меҳнати билан барча машаққатларни енгиб, мўлжалдаги ҳосилни олиш чораларини кўрмоқдалар.

Юртбошимиз мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, муаммоларни вақтида ҳал этиш зарурлигига эътиборни қаратган экан, намликни сақлаш борасида тажрибали деҳқонларимиз қўллаб келган усул — ерни маҳаллий ўғитга тўйдириб, шарбат усулида сугорилган самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 июнда қабул қилинган "Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва 2011 йил июнь-сентябрь ойларида сугорма сувни тежашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув истеъмоли ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Рамз Норов" фермер хўжалигига қарашли 13 гектар ерда ғалланинг "Силанка", 83 гектар майдонда гўзанинг "Бухоро-102" нави парваришланмоқда. Ушбу ғалла нави ҳосилдорлиги, тегишарлиги билан ажралиб туради. Сугориладиган майдонларда "Силанка" навидан 60-70 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бугунги кунда вилоятда етиштирилган ғалланинг 25 фоизини ана шу нав ташкил этади.

Президентимиз қамбайчилик билан суҳбатлашди. "Клаас-доминатор" қамбайчи оператори, тажрибали механикатор Қобил Латипов Германия билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган ушбу қамбайчининг афзалликлари — иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, сомонни сочиб ташламаслиги ва бошқа қўлайликлари ҳақида гапирди. Қамбайчилик орасида ёшлар кўпчилиги эътиборни тортди.

Президентимиз бугунги ёшлар, уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирар экан, касб-ҳунар коллежларида ўқув ва амалиёт тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, коллежларда таҳсил олаётган ёшлар замонавий фанларни, жумладан, ахборот технологияларини, хорижий тилларни пухта ўрганиши лозимлигини таъкидлади.

Юртбошимиз Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги ҳузурида ташкил этилган Фермерларга илмий-амалий маслаҳат бериш маркази фаолияти билан танишди. Хўжалик дала шийпониди фермерлар, вилоят фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашди.

Ислам Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

— Фермер хўжалигимизда 100 киши меҳнат қилади, — деди "Бахт" фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холиёров. — "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят филиалидан 160 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб, сутни қайта ишлаш технологиясини харид қилдик. Унинг ишга туширилиши фаолиятимизнинг янги йўналишига асос бўлди. Ушбу ускуна бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. 520 бош қорамолимиз бор. Қатиқ, қаймоқ, пишлоқ сингари маҳсулотларимиз туман марказидаги махсус дўконларда сотилмоқда.

Президентимиз суҳбат асосида одамларнинг онгу тафаккуридаги, турмушидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий-маънавий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараларига тўхтади. Фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида сўз юритди.

— Энг илгор фан ютуқлари, замонавий технологиялар, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимиз буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Юртбошимиз. — Ёшларимиз замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беамалол беллаша олишлари лозим. Чунки бизнинг ёшларимиз ҳеч қимдан кам эмас, кам бўлмайдими ҳам.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган халқимиз амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиз фаровонлиги — буларнинг барчаси истиқлол туфайли эканини теран англайди. Қашқадарё вилоятда давом этаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёни ҳам бунинг амалдаги ифодасидир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА Махсус мухбирлари



Тарихимизнинг зарҳал саҳифалари

Худоёр МАМАТОВ.

Ўтаётган ҳар кун бизни ҳаётимиздаги энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига яқинлаштирмоқда. Бугун мамлакатимизнинг ҳар гўшасида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан" шiori остида шу улуг тантананга тайёргарлик тадбирлари ўтказилмоқда. Бу икки ўн йилликнинг ҳар бир йили, ҳеч муболагасиз, миллий тарихимизнинг унутилмас, ўчмас зарҳал саҳифалари бўлиб қолади. Келажак авлодлар ҳар гал, истиқлол тарихига мурожаат этганларида, бу саҳифаларни ҳайрат ва гурур билан варақлашларини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу йилларда амалга оширилган жуда кўп бунёдкорлик ишлари улар учун ҳам ғайрат-шижоат, эзгу мақсад йўлида бир жону бир тан бўлиб олдинга интилишнинг юксак намунаси бўлиб қолса, ажаб эмас.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифа — мустақилликни мустақамлаш, одамлар, айниқса, ёшлар онг-шуурига янги жамиятнинг янги мафкураси ғояларини синдириш, тарихий адолатни тиклаш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, орномусини жой-жойига қўйиб, қизил салтанатнинг қон-қонимизга ўтиб кетган ғайриахлоқий тамойилларини тартиб-қоидалардан тезроқ қутулиш эди. Яна бир вазифа — собиқ тузумдан қолган мажруҳ иқтисод туфайли юз берган вақтинчалик узилишлар, озиқ-ов-

қат тақчиллиги пайтида одамларни истиқлолнинг буюк келажакка ишонтириш, ҳар биримизнинг тинч-тотувлигимиз, фаровон ҳаётимиз, фарзандларимизнинг бахти-саодати эндиликда фақат ўзимизга, саъй-ҳаракатимизга, эзгу амалларимизга, аҳил-иноқлигимизга, мамлакатда тинчлик-тотувлиқни сақлаб қолишимизга боғлиқ эканлигини тушунтириш, шу мақсадда тарғибот-ташвиқот ишларини талаб даражасида йўлга қўйишдан иборат эди.

Давоми 5-бетда >>

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинлиги —

Ўзбекистонда демократик жамият асосларига тамал тоши

...интернет ҳаётимизга чуқур кириб келаётган ҳозирги кунда қонунлар ижроси таҳлили жараёнларида маълум бўлмоқдаки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий интернет саҳифасида ёритиб берилиши лозим бўлган расмий ҳужжатлар, маълумотлар ва ахборотлар рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган, уларнинг даврийлиги, мажбурийлиги кўрсатилмаган.

2-бет

Андижонлик сафдош аёллар

ҳар жабҳада фаол, ташаббускор бўлмоқда

"Адолат" СДП Андижон вилоят хотин-қизлар Кенгаши раиси Малоҳатхон Мусавваннинг таъкидлашича, айниқса, кейинги икки-уч йил ичида "адолат"чи аёллар фаолияти тубдан ўзгарди. 2010 йилда вилоят партия Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларнинг асосий қисми аёллар ташаббуси билан ташкил этилгани, энг муҳими, қуруқ давлатлардан амалий ишларга ўтилаётгани бунинг яққол исботидир.

3-бет

Истиқлолдан бахт топган қиз

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, "Фарзандларимизнинг спортга қизиқиш ва интилишини, керак бўлса, спортга бўлган меҳрини айни ёш болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз. Ҳаётнинг ўзи бунинг ҳар қадамда тасдиқлаб беради. Бу фикр-хулосага ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, ўз тажрибамиз мисолида ишонч ҳосил қилишимиз, қийин эмас, албатта. Яъни, болалигимизни боғча ва мактаб ёшидан оқ спорт оламига жалб этган ҳолда, бу борада кўзланган мақсадларга эришиш мумкин".

8-бет



Германия Бундестаги (парламенти)нинг "ГФР — Марказий Осиё" парламенти гуруҳи раисининг ўринбосари У.Кумпф бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракцияси аъзолари билан учрашди.

Юксак эътироф

Таъкидлаш керакки, партиялараро ва парламентлараро алоқалар халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шу маънода мамлакатимиз парламенти ва Германия Бундестаги ўртасидаги ҳамкорлик истикболлари, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

Уз навбатида Германия Бундестаги (парламенти)нинг "ГФР — Марказий Осиё" парламенти гуруҳи раисининг ўринбосари, парламентнинг транспорт, қурилиш ва шаҳар тараққиёти бўйича қўмитаси аъзоси У.Кумпф Ўзбекистоннинг қисқа муддатларда хомашёга асосланган қолоқ республикадан жонан сиёсий ва иқтисодий тизимида муҳим ўрин эгаллаган дав-

латга айланганини эътироф эди. Юқори мартабали меҳмон мустақиллик йилларида демократик ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқларга, шунингдек, Юртбошимиз Концепциясида белгилаб берилган давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш борасидаги устувор вазифаларга юксак баҳо берди.

Учрашув якунида томонлар ўзаро мулоқотлар Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП ва Германия Бундестагидаги СДП фракциялари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Давоми 4-бетда >>

Миллий матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси

Муносабат

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андазалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади.

Концепция

Қонун ижодкорлиги — мамлакатимиз тараққиётининг асоси

Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.

Ислом КАРИМОВ

Нуқтан назар

Иномжон САМИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Қонун ижодкорлиги ҳар бир демократик давлатда давлат ҳокимияти шаклларида бири бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини рўйга чиқаришда муҳим восита ҳисобланади. Бошқача айтганда, бу жараён ҳуқуқий тизимнинг фаол бўлиши. У давлатнинг энг олий иродаси ифодаси бўлиши қонунни юзага келтиради.

Қонун ижодкорлиги — Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунлар яратиш, амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, эскирган қонунларни янгилаш, қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш каби босқичларни ўз ичига олади.

Мазкур жараён, аввало, қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан тартиб, то у қабул қилинганга қадар давлат органлари амалга оширадиган ваколат бўлса, иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда

ҳим ва асосий шаклидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамланган қондаларга мувофиқ, қонун ижодкорлиги жараёни изчиллик, қонунчилик ташаббусини амалга ошириш, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, қабул қилиш ва энг сўнггида уни имзолаш ҳамда эълон қилиш босқичларини ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозим, мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентнинг таъсис этилиши билан унинг ҳудудидида қонун ижодкорлиги янгича маъно ва мазмун касб этди. Хусусан, 2010 йил 27 январидида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов олдинги қаҳриқдаги парламент фаолиятига танқидий баҳо бериб, янги сайланган Қонунчилик палатасига қабул қилинаётган қонунлар сифатини тубдан яхшилашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади ва «энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслиги» каби камчиликларни бартараф этиш кераклигини алоҳида уқтириб ўтди.

Ўтган бир йил давомида депутатлар ўзларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, 11 та қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишга муваффақ бўлишди. Улардан 4 та қабул қилиниб, 2 тасини Ўзбекистон Республикаси Президентини имзолади. Бу кўрсаткичлар, ҳали палатанинг қонун ижодкорлиги

етарли даражада эмаслиги, фаолиятни янада жонлаштириш ва кучайтириш айниқса, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари роли ва иштирокини янада кучайтириш лозимлигини аниқлади. Чунки бу — бир томондан, фракцияларга (депутатлик гуруҳларига) амалдаги қонунларда уларга берилган ваколат — қонунчилик ташаббуси, палатада қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни мажлисларда муҳокама этиш ҳамда қабул қилиш каби мураккаб босқичлардан иборат жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш имконияти берилганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан — ҳар бир фракция айна палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида иштирок этиш орқали ўз сиёсий партиясининг сайловолди ҳамда ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилишида муҳим сиёсий майдон бўлганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоиз, амалдаги миллий қонунларда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига кенг қўламли ваколатлар тақдим этилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ фракция ва депутатлар гуруҳига палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан тақлифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритиш, палата мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала (шу жумладан қонун лойиҳаси) юзасидан музокара-ларда фракция, депутатлар гу-

руҳи вакилларига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш, келишув комиссияси ва бошқа (шу жумладан, қонун лойиҳаси юзасидан) комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйиш, палата мажлисида муҳокама қилинаётган масала (шу жумладан, қонун лойиҳаси) юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш, палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари (шу жумладан, қонун лойиҳаси юзасидан) ишида иштирок этиш, палатада муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз тақлифларини киритиш каби қатор ҳуқуқлар берилган.

Шу нуқтаи-назардан, парламентдаги ҳар бир сиёсий партия фракциясининг олдинда қонун ижодкорлигига ташаббускорлик, профессионализм ва масъулият билан ёндашиш лозимлигини такозо этиди. Ўрни, қонун ишлаб чиқиш жараёнида депутатлар ўз диққат-эътиборларини энг аввало, Қонунчилик палатасига расман киритилган ва биринчи (иккинчи) ўқишда муҳокама этилиши режалаштирилётган қонун лойиҳаларини малакали мутахассислар ҳамда тегишли экспертларни жалб этган ҳолда ўрганиб чиқишлари, ўзларининг аниқ тақлиф ва мулоҳазаларини тақдим этишлари ҳам талаб этилади. Зеро, қонун ижодкорлиги, бу — пировардида, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тараққиётида устувор йўналишлар сирасига қиради.

“Адолат” СДП: ташаббус ва тадбирлар

Бахтли болаликнинг сурурли дамлари

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Бухоро вилояти ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот хизмати.



Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудлари байрам шукўҳига чулганган. Чунки арафада турган энг улуг ва энг азиз айём барчага байрамона руҳ ва аъло кайфият бағишламоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилояти Кенгаши Бухоро шаҳар ҳокимлиги маънавият бўлими билан ҳамкорликда вилоятдаги “Нефтчи” болалар оромгоҳида ташкил этган “Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!” мавзусидаги тадбир ҳам шу қўтуғ санга бағишланди. Унда вилоятнинг бир гуруҳ ёш ижодкорлари, шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар.

Ўзининг бетақоррор ва сўлим табиати, дам олувчилар учун яратилган шарт-шароитлари билан алоҳида ажралиб турувчи Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида қарашли мазкур болалар оромгоҳида ҳозир 264 нафар заводи ишчиларининг ўғил-қизлари билан бир қаторда вилоятдаги кам таъминланган оила фарзандлари ва имконияти чекланган болалар ҳам ҳордиқ чиқаришмоқда.

— Мана икки йилдирки, ёнги таътил мавсумида “Адолат” социал-демократик партияси билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз, Ана шундай маданий-маърифий тадбир Ўзбекистон “Адолат” СДП Олмазор тумани Кенгаши ташаббуси билан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган “Нурафшон” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Бахтли болаликнинг ҳуқуқий кафолати” мавзусида ташкил этилди.

Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 300 нафардан зиёд болалар ҳам бўлган мазкур тадбирдан қўзғайган асосий мақсад: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда истиқлол йилларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини ёш авлод вакилларига тушунириш, юртимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама тўқис ва баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилаётган шарт-шаритлар ҳуқуқсуда маълумот беришдан иборатдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўли, гарчи бу тарих олдида кичик давр бўлса ҳам, улкан ислохотларга эш бўлганини, бу жараёнда, айниқса, келажакимиз давомчилари бўлмиш болалар манфаатларига хизмат қиладиган қўламли хайри ишларга қўл урилганини алоҳида таъкидлади. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, уларнинг таълим-тарбияси давлат томонидан беғул таъминланаётгани

— дейди оромгоҳ бош етакчиси Насиба Атамуродова. — Партия фаоллари фарзандларимизнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги тасаввурлари мустақамланганини учун турли тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Бу эса кам таъминланган оила фарзандлари ва имконияти чекланган болалар доимо партиянинг диққат марказида эканлигини далиллади.

Байрамона тадбир давомида ижодкорлар ўз тўпламларини оромгоҳ кутубхонасига совға қилишди. Бу ҳам болажонларимиз учун байрам тўғриси бўлди.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинлиги —

Ўзбекистонда демократик жамият асосларига тамал тоши

Депутат минбари

Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.



«...фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан олинган бу сатрлар маъно-мазмунни шуки, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида амалий иштироки ҳамда аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши — демократик жараёнларнинг чуқурлашувида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, яна давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: «...ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишлари минбарга айлантмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз».

цивий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ботида кенг қўламли ишлар бошланган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатлари ҳали тўла тақомилга етган даражада белгиланмаган. Чунки, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмлари билан боғлиқ айрим муаммолар ҳали тўла мақбул ечимини топгани йўқ. Ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тахририятларга баъзан босим ўтказиш ҳоллари учраб туради.

Қолаверса, мазкур Қонун қабул қилинган, у, шаксиз, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик таъминоти, оммавий ахборот воситалари саҳифаларида жамоатчилик ҳамда парламент назорати кучайишига замин вужудга келди. Шунда, бизда ҳам худди ривожланган мамлакатлардаги сингари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида очиклик янада равшанлик топиб, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид маълумотлар олиш тартиб-қоидалари ўрнатилган бўлади. Бошқача айтганда, давлат ёки ҳўжалик бошқаруви

органлари аҳоли ёки оммавий ахборот воситаларидан тушган мурожаатларга вақтида жавоб беради ва улар талаб этган ахборотларни тўсиқларсиз олишига шароит туғилади. Зеро, Президентимиз ҳам айна шу нуқтаи назардан ўз маърузасида алоҳида таъкидлаб айтдиларки: «Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш лозим».

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлат ички ҳақда ташқи сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда келажакдаги воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлаш зарур».

Яна бир жиҳат: ҳозир кенг жамоатчилик ва соҳа мутахассислари томонидан чуқур, пишиқ ва пухта ўрганилаётган мазкур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация тармоқларидан, айниқса, интернетдан самарали фойдаланиш кераклиги ҳам ўз ифодасини топса яхши бўлар эди. Негаки, интернет ҳаётимизга чуқур кириб келаётган ҳозирги кунда қонунлар ижроси таҳририят жараёнларида маълум бўлмоқдаки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий интернет саҳифасида ёритиб берилиши лозим бўлган расмий ҳужжатлар,

маълумотлар ва ахборотлар рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган, уларнинг даврийлиги, мажбурийлиги кўрсатилмаган.

Шу ва шунга ўхшаш яна бир қатор масалалар ечимни қонун лойиҳасида ўз аксини топиши учун Олий Мажлиси-сини Қонунчилик палатаси депутатлари, палатадаги тегишли қўмиталар, уларда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар фракциялари, жумладан, «Адолат» СДП фракцияси аъзолари шу кунларда қонуннинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, яқинда биз, бир гуруҳ «Адолат»чилар давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш тартибларини аниқ белгилаш борасидаги ўз тақлифларимизни қонун лойиҳасига киритиш ҳақида ўзаро фикрлашиб олдик. Зотан, шунда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган (хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари билан боғлиқ) қарорлар у бошқа қатор ҳужжатлар тўғрисида кенг хабардор бўлиб боради, деган мулоҳазага келдик.

Шунда, фуқаролар ва жамоат ташкилотларида юртимизда кечаётган ислохотлар, давлат сиёсатининг очиклиги, ошқоралиги, Ўзбекистонда ва хорижда юз бераётган воқеалар, ҳодисалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) ҳамда сиёсий фаоллик ривож топади.

Ва ниҳоят, шунда, ўйлаёмизки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги таъмин топиб, фуқароларнинг ҳамда жамоат ташкилотларининг ахборот соҳасидаги Конституциявий ҳуқуқларини кенгрок, равшанрок амалга ошириш имкони вужудга келади.

Фуқаролар ҳуқуқий ҳимояси

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.


Мамлакатимизни демократик янгиланишнинг энг асосий йўналишларидан бири қонунийлик, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти Кенгаши ҳамда Ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида “Фуқаролик жамияти институтлари шакллантириш ва ривожлантириш — бош мақсадимиз” мавзусидаги тадбирда бу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида атрофлича сўз борди.

Бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритиши учун қонуний асослар яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимини шакллантириш бўйрада ҳамкорликни янада мустақамлаб, кучларини бирлаштириш лозимлиги таъкидланди.

— Муҳтарам Юртбошимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи-ли маърузасида таъкидлаганидек, — деди Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти Кенгаши раиси Алишер Шодмонов, — фуқаролик институтлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Таъкидландики, бундай ташкилотлар фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданийтини ошириш ишига беҳи-ёс қўша қўшмоқда.

Тадбир иштирокчилари фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини англашига қўмаклашиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий бўлими ва маданийтини янада юксалтириб бориш долзарб вазифалардан бири эканлигини эътибор этишди. Шу нуқтаи назардан барча давлат ва нодавлат ташкилотлари бу борада ҳамкорликни янада мустақамлаб, кучларини бирлаштириш лозимлиги таъкидланди.



«Инсон манфаати — олий қадрият»

Маънавий-маърифий тадбир

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Юнусобод тумани кенгаши томонидан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши, туман маънавият ва маърифат кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда «Инсон манфаати — олий қадрият» шиори остида маънавий-маърифий талбир ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирга Юнусобод туманидаги маҳаллалар фаоллари, ёшлар тақлиф этилди.

Тадбир аввалида ўтган давр мобайнида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, барқарорликни таъминлаш, мустақилликни, мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ислохотлар ҳамда улар бераётган самаралар ҳусусида сўз юритилди. Иштирокчиларнинг қайд этишича, тинчлик, хавфсизлик

каби тушунчалар бугунги кунда бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугун хавфсизликка таҳдидлар гоҳ ошқор, гоҳида пинҳона учраб турибди. Бундай хавфлардан ҳеч бир минтақа, давлат ёки халқ тўла ҳимояланмаган. Шу боис, мамлакатимизда осойишталикни таъминлаш мақсадида экстремизмнинг олдини олиш, миссионерларга қарши кураш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва диний

Андижонлик сафдош аёллар

ҳар жабҳада фаол, ташаббускор бўлмоқда

Мавқе

Акбаржон НАЗАРОВ. Андижон.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аёлларимизнинг ижтимоий ҳаёт, илм-фан, иқтисодиёт, маънавий-маърифий соҳалардаги иштирокининг кенгайишига олиб келмоқда. Буни, айниқса, республикамизнинг ҳар бир вилоятида, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқларида яшаётган, ўзининг маънавиятини янада бойитишни дилига туккан хотин-қизларимизнинг ташаббускорликлари ҳам кўриш мумкин. Уларнинг бу каби меҳнатлари ватанимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши сафидаги 3700 нафарга яқин партия аъзоларининг 60 фоизини ташкил этган андижонлик партиядош аёлларимиз ҳақида ҳам ана шундай ижобий фикр билдириш мумкин. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, қўйиники, вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятида уларнинг муносиб ўлиши бор.

Аёл — она, аёл — тарбиячи, аёл — мураббий. Ана шу эзгу хислатлар бир вужудда мужассамлашгани тўғрисида аёл баркамол инсонни тарбиялайди. Ҳар бир даврнинг ўз зиёли аёллари бор бўлгани учун ҳам инсоният маънавият ва маърифатдан бебаҳра қолмаган. Аёллар фаоллик жиҳатдан эркаклардан асло қолишмайди ва улар билан рақобатлаша оладиган даражада жамиятимизда ўз ўрнини эгаллаганлар. Бугун тадбиркорлик тарақ-

қиётига ҳам ҳисса қўшаётган аёлларимиз сони жудаям кўп. Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Хотин-қизлар Кенгаши раиси Малоҳатон Мусаеванинг таъкидлашича, айниқса, кейинги икки-уч йил ичида «адолат»чи аёллар фаолияти тубдан ўзгарди. 2010 йилда вилоят партия Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларнинг асосий қисми аёллар ташаббуси билан ташкил этилгани, энг муҳими, қуруқ даъватлардан амалий ишларга ўтилаётгани бунинг яққол исботидир.

Келинг, мисолларга ўтайлик. Юлдузхон Нишоновна «Адолат» СДП Избоскан тумани кенгаши раиси. Унинг ташаббуси билан 2011 йилнинг ўтган даврида 50 га яқин тадбир ўтказилди. Уларнинг аксарияти аёлларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, она ва бола саломатлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби қатор долзарб масалаларга бағишланган. Бунинг натижасида туманда «Адолат» СДПнинг ўрни сезиларли равишда ошди.

«Адолат» СДП Пахтабод тумани кенгаши раиси Замирахон Кимсановани туманда танимаган одам топилмайди. Шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказилган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида тумандаги 20 та МФЙ раислигига ва 50 дан ортиқ маслаҳатчи лавозимига бизнинг партиядошларимиз сайланишида ҳам Э.Кимсанова бошлик туман кенгаши фаоллари ўтказган тадбирларнинг салмоғи юқори бўлди.

Шахрихонлик партия фаоли Мархабо Муйдинова фаолияти ҳам ибратли. Унинг ташаббуси билан йилнинг ўтган даврида 56 та янги иш ўрни яратилгани таҳсинга сазовор. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг турли соҳаларида қарий икки миллиондан ортиқ хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Аёлларнинг бир миллионга яқини олий ва ўрта махсус билим даражасига эгадир. Кейинги ўн йиллик маълумотларга қараганда, 85-90 фоиз аёл фан-техника тараққиётига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Қайси касбга қараманг, ҳар бирда нуфузли ва таниқли аёлнинг номини учратасиз.

Бугунги кунда ўзбек аёллари дунё танимокда ва тан олмақда. Аёлларимизнинг барча соҳаларда қилаётган меҳнатлари ватанимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Жамиятнинг сиёсий, маънавий, иқтисодий ривожланишида аёлларнинг қобилияти, билим ва имкониятларидан ўринли фойдаланилса, янада янги натижаларга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон хотин-қизлари миллатини юксалтириш каби қатор долзарб масалаларга бағишланган. Бунинг натижасида туманда «Адолат» СДПнинг ўрни сезиларли равишда ошди.

“Адолат”нинг танлаган ўз йўли бор

ёхуд сиёсий майдонда социал-демократларнинг либералларга ғоявий жиҳатдан яқинлиги ҳусусида

Равшан ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамиятда демократиянинг ривожланганлик даражаси партиялар сонининг кўплиги билан эмас, балки аҳолининг у ёки бу ижтимоий қатламлари манфаатларининг ҳимоячиси ҳисобланган партиялар учун қанчалик мақбул сиёсий майдон яратиб берилгани билан белгиланади. Айнан сиёсий партиялар ҳуқуқий давлат ҳамда сиёсий фаол, ўз ҳуқуқларини билладиган аъзолардан иборат фуқаролик жамиятини қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутадилар. Шу боис, Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг демократик янгиланишлар ва ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокига юксак эътибор қаратилмоқда. Сиёсий партиялар фуқаролар учун сиёсий минбар вазифасини ўташ баробарида, халқнинг ишончини қозониш, сайловларда кўпчилик овозга эга бўлиш, шу орқали ҳокимият вакиллик органларидан кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қиладилар. Фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олишга интиладилар. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмайди. Бу курашда қуруқ ваъдалар, баландпарвоз шиорлар ижобий натижа бермайди.

“Курашда отангни ҳам аяма”, деган нақл бор. Бироқ бу курашнинг асосий иштирокчилари бўлиши сиёсий партияларнинг асл мақсад ва вазифаларини партияларнинг барча аъзолари ҳам онгли равишда таҳлил қила олишмайпти.

“Ўзбекистон овози” газетасида 2011 йил 18 июнь кун чоп этилган Алишер Рашидовнинг “Олди-қочди баҳс ясашдан мақсад нима?” номли мақоласи бунга мисол бўла олади. ЎзХДП матбуот хизмати катта референтининг “Адолат” СДПни либералларча фикрлашга ўтганлигида, уни ўз ғоя ва мақсадини тўлиқ англаб етмаганлигида айблаш партия масъул вакилининг ўзи рақиб партия ғояларидан, сиёсий платформасидан мутлақо хабардор эмаслигини аниқлатади. Шу боис, биз ХДПчиларга яна бир бор “Адолат” социал-демократик партияси Ўзбекистон сиёсий майдонининг сўл қанотида эмас, балки сўл марказида турган партия эканини эслатиб ўтишни жоиз деб топдик. Аслида биз аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тарафдоримиз. Айни пайтда, “Адолат” СДП Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, мамлакатимизнинг илмий-техникавий салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чиқариш, жамиятнинг ахборотлаштириш, яъни замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш каби илғор ғояларни ҳам илгари сурмоқдаки, бу бизнинг ХДПдан ажратиб турадиган, сиёсий майдонда либералларга ғоявий томондан яқинлигини кўрсатадиган жиҳатларимиздир.

Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлидан оғимшай бораёпти. Ана шу сиёсатнинг ажралмас бир қисми сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар ҳам доимий эътибордалар. Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари юксала боргани сари эса уларга кўрсатилаётган ёрдам миқдори ҳам муттасил ошмоқда. Шу ўринда, айни пайтда ялли ички маҳсулотнинг яримдан кўпини айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари яратаётганини таъкид-

лаш жоиз. Демак, соҳага янада кенгрок имкониятлар яратиш нафақат ўрта қатлам вакиллари сафининг кенгайишига, балки бюджет даромадларининг янада кўпайишига, охир-оқибатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига бериладиган кўмак миқдорининг ошишига ҳам олиб келади.

Партия учун, сиёсий ҳаракат учун энг катта хато халқдан узоқлашиш ёки баландпарвоз шиорлар билан уни алдашдир. Ҳокимият учун кураш ҳар бир партиянинг асосий мақсади ҳисобланади. Аммо бунга эришиш масаласи ана шу партиянинг қанчалик тўғри йўл танлаганлигига боғлиқ. Гап яна айлиниб, партияларнинг ўзига, уларнинг дастурлари ва раҳбарларига тақалаяпти.

Бундай позиция нафақат Ўзбекистон «Адолат» СДПга балки, дунёнинг бошқа мамлакатларидаги социал-демократик ғояга эргашган партияларга ҳосилгина яна бир бор таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Бундан ташқари, эркинлик, адолатлик ва бирдамлик шиорларини илгари сурдириган социал-демократлар инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, сиёсий ва ғоявий фикрлар хилма-хиллигига эришиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш, ишчилар манфаатлари йўлида тадбиркорликни тартибга солишини самарала механизларини ишлаб чиқиш, мулкчиликнинг барча шакллари ҳимоя қилиш ва тенглигини таъминлаш, иш берувчи ва меҳнаткашлар ўртасида ижтимоий шериклик, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам

таъминланган қисмини кўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши кураш каби ғояларни илгари сурдиради. Хуллас, социал-демократик партиялар жамиятнинг бир бўлаги, аниқроқ қилиб айтганда, энг фаол ва уюшган қатлам сифатида ўз мамлакатлари сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнамоқдалар.

Социал-демократлар барча қишлоқларда, ҳокимият органлари фаолиятида фаол қатнашувчи кучга айланиб улгурган. Бугунги кунда дунёда турли номлар билан аталувчи мазкур йўналишдаги 80 дан ортиқ партия, 20 миллионга яқин аъзо ва 200 миллиондан ортиқ электоратга эга бўлган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Мазкур сиёсий кучларнинг ярми сўнги ўн йилликларда у ёки бу ҳукуматни бошқаришда ёки турли коалицияларга бирлашган ҳолда сиёсий ҳаётда иштирок этишапти. Яқингинада Португалияда сўлларнинг мағлубият аламини тортгани, Педро Пассуша Козья Бошчилигидаги социал-демократларнинг умумхалқ сайловидаги ғалабаси ҳам дунёда социал-демократларга нисбатан ишонч ортиб бораётганини яна бир тасдиғи бўлди. Португалия сўл қанот социалистик партияси молявий инкироздан чиқиб йўлини тополмагани учун ҳам сайловчилар 17 та партия ичида аниқ стратегияга эга бўлган социал-демократларга ишонч билдиришга қарор қилди.

Ваҳоланки, газетамизнинг олдинги сонларида Булоқбоши ва Косон туманларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳларида ҳам ташаббускорлик етишмаётганлиги ёки “Миллий тикланиш” партиясининг Сурхондарёнинг Узун туманида тарихий ва маданий ёдгорликларга панжа ортидан қараётгани танқид қилинган.

Шу ўринда мақола муаллифи Алишер Рашидовнинг бизнинг бундай услубдаги тортишувларимиз ҳозирдан одамларнинг гашини келтира бошлаганини тан олмоғимиз керак, қабилидаги фикрига ҳам тўхталмасликнинг иложи йўқ. Аслида бу ХДП ва унинг нашрига тегишли ҳулоса десак янглишмаймиз. Чунки биз ХДП фаоллари ва унинг халқ пайтимида, улар бизнинг мақолаларимиздан камчилик кидиришга эърд бермоқдалар, холос. Жаноблар, аслида ижтимоий ҳаётда ҳукмрон бўлган аёвсиз кураш, “Кучли ҳаммаша голиб” каби формулалар сиёсатда ҳам ҳал қилувчи омил эканлигини кўрсатади. Ҳокимият учун курашда ғояга, дастурга ишонтира олиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу курашда кимнинг ғояси кучли, дастури давр талабига мос ва реал ҳаётга, ҳақиқатга яқин бўлса, ўша голиб чиқади.

Ҳар бир давлат сиёсий тизимининг ривожланиш даражаси ундаги демократик институтлар сонининг кўплиги билан эмас, балки сиёсат ҳақида мунтазам фикрлайдиган аҳоли вакиллари, яъни сиёсий фаол фуқароларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланишини ҳисобга олсак, бугун мавжуд партияларнинг электорат ва аҳоли билан ишлашда ҳамон камчиликлари борлигидан қўя олмаёلمиз. Демак, партияларнинг мақсади — халқни сиёсий майдонда фаолликка сафарбар этиш, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш каби вазифаларга ҳам қаратилмоғи керак. Зеро, партия биринчи навбатда халқ билан, ўз тарафдорлари билан яшайди. Партия учун, сиёсий ҳаракат учун энг катта хато халқдан узоқлашиш ёки баландпарвоз шиорлар билан уни алдашдир. Ҳокимият учун кураш ҳар бир партиянинг асосий мақсади ҳисобланади. Аммо бунга эришиш масаласи ана шу партиянинг қанчалик тўғри йўл танлаганлигига боғлиқ. Гап яна айлиниб, партияларнинг ўзига, уларнинг дастурлари ва раҳбарларига тақалаяпти.

Аниқ стратегиянинг йўқлиги, фақатгина радикал ғоялар билан майдонга чиқиш, амалда ўз ваъдаларининг устидан чиқолмаслик, эски тилдаги қадриятлардан воз кечолмаслик ва ўз навбатида уларни очик ҳимоя қила олмаслик, жамиятдаги бошқа сиёсий кучларнинг замонавий, илгор ғояларини инкор қилиш, платформани танлашдаги иккиланган дунёда сўллар инкирозини кучайтирмоқда, холос.

Шундай экан, ХДП мафкурачилари ҳам бундан тўғри ҳулоса чиқариб, мамлакат сиёсий майдонда рақобатчи партияларнинг илгор ғояларини, ташаббусларини қўриб, кўрмасликка олгандан кўра, ҳалол, соғлом рақобатга киришиб, ўзлари учун аниқ сиёсий платформани танлаб олсалар, сайловчиларга берган ваъдаларининг устидан чиқишга интилсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Жараён

Миллий матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси

« Давоми. Боши 1-бетда

Негаки, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазият журналистлардан янада масъулиятли бўлишни талаб этмоқда. Жамиятни турли аҳборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, баркамол авлодни умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждоқларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланган.

Юртбошимизнинг ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлариغا йўллаган табрикларидида таъкидланганидек, ...ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ёнтрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Демократия никоби остида ўз манфаатларини илғари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари "қўли" билан амалга оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик — давр талаби эканлигини яна бир бор ёдидимизга солади. У ёки бу мамлакатни ёмон отлик қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмапти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқараши у ёки бу гоёлар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ачинарли ҳолатдир. Мутахассисларнинг таъкидлашлариди, айни пайтда дунёнинг 120 дан ортиқ

давлатида ахборот тажовузлари уюштиришнинг турли тизимлари яратилган бўлса, 20 га яқин давлатда ядро қуроллари ишлаб чиқариш устида иш олиб борилапти. Бу ҳам бўлса, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хаттарлироқ қуролга айланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Нима бўлганда ҳам глобаллашув жараёнлари шароитида у ёки бу мамлакатнинг миллий хавфсизлигига қаратилган таҳдидлар орасида ахборот хуружлари асосий ўринини эгаллаётганини мутахассислар унинг фуқаролар онгига таъсир этиш кучи юқорилиги билан изохламоқдалар.

Ахборот хуружлари, дея таърифланаётган бундай хатти-ҳаракатлар у ёки бу мамлакатга фақатгина таҳдид қилишдангина иборат эмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Аслида бундай эълон қилинмаган "уруш"лар замирида ёлгон ахборот тарқатишдан ташқари, ижтимоий онгни эгаллаш, нишонга айланган мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий қадриятларини йўқ қилиш, уни тарихий хотирасидан айриш билан бирга кишилар онги, турмуш тарзига ёт ва бегона қадриятларни синдириш мақсадлари ҳам ётмайдими, бу ана шу худуддаги аҳолини манкуртлик кўчасига киритишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Кузатувчилар айни пайтда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг 80 фоизини бор йўғи тўрттагина ахборот агентлиги — United States Information Agency, Associated Press, Reuters, Agence France-Presse агентликлари тарқатаётганини эътироф этаётгилар. Бу эса айнан ана шу ташкилотларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устунлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда тарқатиш, шу йўл билан ахборот тарқатиш маконида етакчилик қилаётганларини кўрсатади. Бугун миллиардмиллиард маблағлар эркин "муҳбир"лар келтирган ахборотни қайта ишлашга, уни белгиланган маконга етказишга сарфланапти. Кимдаки ахборот

ролни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истеъмоличига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани тўғри бўлиб чиқаяпти. Ана шундай бир шароитда эса ахборот хуружларига қарши иммунитет шакллантирилмаган ёки шаклланмаган давлатларда "Демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилмоқда" қабилидаги арзон сафсаталар тарқатилмоқдаки, оқибатда замири пуч турфа инқилобларни уюштириш мумкин бўлиб қолди. Агар маълум бир муддат ўтган, ана шу давлатлар аҳолисининг турмуш тарзи, иқтисодий ва халқ фаровонлиги бир баҳа бўлсади, ижобий томонга ўзгарганида эди, бундай инқилобларнинг жабрини тортаётган халқлар норозилиги кучаймаган бўлар эди.

Эраимиздан аввалги VI асрдаяшаган Хитой файласуфи Сун Цзи қўлланмаларида эса ахборот хуружларининг бошқачароқ тури, яъни психологик урушларда фойдаланиш мумкин бўлган услублар баён қилинади. Файласуфнинг фикрича, ўз ганимининг енгилу учун, энг аввало, "душманнингиз мамлакатидидаги ҳамма яхши нарсаларни пароканда қилинг, раҳбарлари обрўини тўкин ва ўрни келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланинг, фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун тақлиф ва совғаларга саҳий бўлинг, ёшларни кексаларга гиж-гижланг, умуман пўлни ҳам, ваъдаларни ҳам, аяманг чунки улар ажойиб натижалар беради" қабилидаги маслаҳатлар берилди.

Биз бугун дунё деб аталмиш улкан сахнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилган тарқатганига, Сун Цзи айтганидек, совға-саломлар жамоат ташкилотлари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларига тортиқ қилинаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, дунёда ахборот хуружлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан

миллий матбуотнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.


Бу шунинг ҳам кўрсатадики, XXI аср матбуоти учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмаганини кўрсатапти.

Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тарққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Миллий матбуотнинг жамият олдидаги масъулияти ҳақида сўз бораркан, беихтиёр Юртбошимизнинг: "Ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдир ва эртанги кун учун ривожланиш йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак. Бугун ҳаётга мана шундай ёндашуви замоннинг ўзи тақозо этмоқда, бу бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди. Бу ўринда гап қанлайди тарғибот-ташқиёт ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгиди мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажигини ўз қўли ва ақл-заковати билан қўришга қодир бўлади" деган гаплари ёдимизга тушади.

Шу нуқтаи назардан миллий матбуот юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан халқдор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англайтиб турувчи асосий восита бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдидаги масъулиятини белгилувчи асосий мезондир.



"Матбуот тарқатувчи"
акциядорлик компанияси

*юртимиз довруғини,
бағри кенг, саховатли халқимиз
қадриятларини жаҳонга танитаётган ва
халқимизни янгиликлар билан
доимий бохабар қилаётган
ОАВ ходимларини
касб байрами билан табриклайди.
Барчаларига мустаҳкам соғлиқ,
эзгу ишларида омад тилайди.*

Ислоҳот ислоҳот учун эмас,

авваламбор инсон учун

Суд ва ҳуқуқ
Шоҳида ДАМАНОВА,
«Adolat» мухбири.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, одамларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан биридир. Шу боиски, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида мазкур соҳада кенг ислоҳотлар олиб борилиб улар босқичма-босқич ва изчил амалга оширилмоқда.

Миллий давлатчилик тарихий тажрибасига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига таянган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат ҳокимиёти — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиётига бўлинадиган қайд этилди. Ҳокимиётлар бўлинишига оид конституциявий принципларни изчил амалга ошириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига тегишли ўзгариш ва қўшимча қилиб киритилди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимиёт органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имкониятини берди.

— Конституциянинг 112-моддасига мувофиқ судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсундилар. — дейди биз билан суҳ-

батда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судьяси Давлатмирза Комилов. — Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашашига йўл қўйилмайди ва бундай аралашуви қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1985 йилдаги "Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари" Қонунларига қўшилганлиги фактини тасдиқлаган бўлиб, бугунги кунда давлат томонидан судьяларга фаолият кўрсатишлари учун зарур моддий-техникавий шароитлар яратиб берилиши билан биргаликда уларни ижтимоий ўмуҳфаза қилиш чоралари ҳам қўрилмоқда.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник

ва молиявий таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи алоҳида махсус ваколатли орган ташкил этилиши натижасида судлар ўзларига хос бўлмаган вазифалардан халос этилдилар. Уларга бунун диққат-эътиборларини ўзларининг асосий бурчи — одил судловни амалга оширишга қаратиш имконияти яратилди.

Айтиш жоиз, судьяларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси судьялари ассоциацияси фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ҳам суд мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Биласиз, мамлакатимизда 2008 йил январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. Маълумотларга қараганда, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Поляшда 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин. Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақат 2 турдаги жиноят — жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва террорчилик қилгани учун тайинланади. Ушбу жазо тури мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эракаларга

нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

— Гарчанд, "Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги қонун 2007 йил 11 июлда қабул қилинган бўлса-да, амалда мазкур жазо тури Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган 2005 йил 1 августдан бошлаб қўлланилмаган, — изоҳ берди суҳбатдошимиз. — Жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нуносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят. Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонунга қўра, жиноятларнинг таснифи ўзгаририлди.

Мамлакатимизда "Хабвас корпус" институти жорий этилгандан буюн ўтган давр ичда судлар томонидан 2008 йилда 304 та, 2009 йилда 309 та, 2010 йилда эса 155 та қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимосномалар рад қилинди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш

ҳақида қабул қилинган барча ажримлар устидан келтирилган шикоят ва протестлар бўйича 2008 йилда 36 нафар, 2009 йилда 70 нафар, 2010 йилда 40 нафар шахсга қўлланилган эҳтиёт чоралари ўзгартирилиб қамоқдан озод қилинди.

Республикаимизда 2001 йилдан бошлаб суд амалиётига ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий қилмиши катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Қонун кучга кирган даврдан бошлаб 101,283 та жиноят иши бўйича 110,144 нафар шахсга нисбатан ярашув институти татбиқ этилиб, улар жиноий таъкибдан озод этилдилар. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш борасида қабул қилинган суд ҳокимиёти мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган узок муддатга мўлжалланган Концепцияни амалга ошириш жараёнида судларнинг ихтисослашуви, кассация ва назорат инстанциялар ислоҳ қилиниб, апелляция инстанцияси жорий этилди. Ҳимоя ва айбловнинг процессуал тенглигини таъминлаш мақсадида суд қарорлари ижросини тўхта-тиб туриш борасидаги прокурорлар ваколати бекор қилинди, химоячи-адвокатлар ваколатлари кенгайтирилди. Амнистия актини фақат судлар томонидан қўлланилишининг қонуний мустаҳкамланганлиги эса суд мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар давлатимиз халқаро шартномалар орқали ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаётганидан далолатдир.

"Трастбанк": 17 йиллик фаолият самараси



1994 йилда ташкил этилган "Трастбанк" хусусий очик акциядорлик биржа банкининг ўз мижозлари орасида танилиб, банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш кўламини тобора кенгайтириб, молия-банк тизимида ўзига хос ўрин тутмоқда ва юртимиз иқтисодий салоҳиятига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг шонли санаси арафасида мазкур молия муассасаси ютуқларини сарҳисоб қилиш фойдадан холи эмас.

Нигора ҚОДИРОВА.

Истиклолнинг иқтисодий мустаҳкамлашига қаратилган лойиҳаларни жўшиқ, изчил рўёбга чиқариш туфайли банк фаолиятининг барча йўналишлари ўсди. 1997 йилга келиб унинг илк — "Тошкент", 1999 йилда эса иккинчи — "Пойтахт" филиали иш бошлади. 1998 йилда эса "Трастбанк" ислохот гоёлари учун Франциянинг саннатга қўмаклашиш уюшмасининг "Олтин нишон" га лойиҳ топилди, 2002 йил Western Union тизими бўйича пул ўтказмаларини амалга оширишдаги иштироки таъминланди. 2004 йилда банкнинг сўм пластик карталари муомалага чиқарилди. 2005 йилдан SWIFT тизимида уланди ва орадан бир йил ўтиб МДҲдаги энг йирик 1000 та банклар рўйхатидаги кириб, 2008 йилда VISA тўловлар тизимига аъзо бўлди. Шунингдек, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида ҳамда мижозларга қулайлиқни қўлаб қўлиб, улларга мижозларга кенг қўламадаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, 16 та мини банк, 16 та пул ўтказиш шохобчаси ишлаб турибди.

Айни чоғда банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан бирга уларнинг ривожланишига шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали республикамиз иқтисодийтада ўз муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Банк ва унинг филиаллари бино-сига кириверишда "Ишонч билан юзма-юз" деган ширга ниҳонингиз таъдир. Бу бежиз эмас. Чунки, "Трастбанк" миздат билан муносабатларини узок муддатли ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат пойдеворида кўрмоқда ва бу тамойилларни йиллар давомида фаолият таъмирини синдириб келмоқда. Ўзи учун энг қадрли — "Ишонч билан юзма-юз" бўлиш фаилатини "Трастбанк" бундан буюн ҳам авайлаб-ардқлайди.

Тарихимизнинг зарҳал саҳифалари

« Давом. Боши 1-бетда

Шу мақсадда Президент Ислам Каримов раҳбарлиги остида киска вақт ичида миллий ривожланиш ва иқтисодий тараққиётнинг Ўзбекистонга, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига, тарихий тажрибасига, аجدодлардан мерос бўлиб келатган эзгу фазилатларига руҳан хос ва мос бўлган модели, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари, соддароқ айтганда, жамият ҳаётининг яқин ва олис келажакка мўлжалланган мақсад-режаси ишлаб чиқилди. Биз қандай давлат ва жамият қуришга бел боғлаганимизни, узок давом этадиган бу йўлни қандай босиб ўтишимизни, келажак авлодларга қолдиришимиз зарур бўлган Озод ва Обод Ватанини аниқ-равшан тасаввур этдик, бу йўлда қандай тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келишимиз мумкинлигини олдиндан кўра олдик ва ўзимизни бу жиддий курашга астойдил чоғладик. Бу тамойиллар ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислохотчи деган масъулиятнинг юкланиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат эди.

Ўтган йиллар давомида бу модел даврнинг оғир синовларидан муваффақиятли ўтди, бутун дунёда тараққиётнинг янги ўзбек модели дея эътироф этилди, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, одамларнинг янги аҳамиятга эришиш таваққулини, янги маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу

гун, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз туфайли гоёт мураккаб муаммолар билан юзмаюз келиб, йирик корпорациялар, концернлар, донги етти қитъадан ошган завод-фабрикалар ишчи ўринларини, ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганида, иқтисодчи олимлар, молиячи мутахассислар ўтган асрнинг ўзбекистончи йиллари бошида Ўзбекистон мустақиллигининг тамал тошини қўйишда гоёт тўғри ва мақсадга мувофиқ йўлни танлаганини эътироф этмоқдалар. Бу масалада бугунги муҳим ҳулоса шундан иборатки, Ўзбекистон гоёт қийин шароитда ўз кучи ва имкониятига, халқнинг хоши-иродасига таяниб иш кўрди. Давлатимиз раҳбарининг "Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз", "Янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаймиз", "Шу азиз Ватан — барчамизники" шioriлари, маълум шарт ҳисобига хорижий мамлакатлардан қарз кўтармаслик, ҳамма соҳаларда ички куч ва имкониятларга таяниб иш кўриш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, одамларга, айниқса, ёшларга ўз салоҳиятларини тўла намойиш этиш имкониятини бериш принципи дастлабки ютуқларимизнинг бош омилли бўлди. Президент Ислам Каримов асосий эътиборни собиқ тузумнинг марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам беришга, иқтисодиётни бозор муносабатларига мос равишда олиб боришнинг мустақкам замонавий қонунчилик базасини шакллантиришга қаратди. Айни шу мақсадда қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатлар, жумладан, Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхоналар тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида" ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Истиқлол шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқий асос ва имкониятлар ва, айниқса, ўтиш даврининг бош ислохотчиси бўлган давлатнинг кафолати турли касб эгаларида ижтимоий фаоллик, Ватан равнақи учун қуюнчаллик, меҳнат жўшқинлигини ошириб юборди.

Дунё мамлакатлари тарихидан маълумки, чуқур билим ва малакага эга бўлган ёшлар, агар уларга ишонч билдирилса, имконият берилса, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам миллий олдда турган энг оғир, масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўладилар. Биз бугун босиб ўтилган йиғирма йиллик давр ичида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, бу галабаларда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кекса авлод вакиллари, устоз-мураббийлар билан бир қаторда дунёқараш иштиқлол йилларида шаклланиган, шу йиллари ўсиб-ўлгайган ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта эканини эътироф этамиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, айни чоғда халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида, оила ва маҳалла ҳаётида, одамларнинг ўзаро муносабатларида, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги бунёдкорлик ишларида, илмга, ижодий фаолиятга чанқоқликда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Дав-

латимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойларида маҳаллий ишлаб чиқариш тобора кенг ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун тегишли имкониятлар яратиб берилаётгани, қурилишлар намунавий лойиҳалар асосида олиб борилаётгани, спорт, маданият соҳаларида, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда эътиборга молик ютуқлар қўлга киритилаётгани, янги иш ўринлари қўллаб-қувватлаётгани фикримизнинг далили бўла олади.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. Тараққиёт давом этар экан, жамият олдида янги-янги вазифалар юзага келади. Ютуқлар нечоғли кўп бўлмасин, улар билан қаноатланиб, бир жойда тўхтаб қолмаслик керак. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида бу борадаги навбатдаги вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган. "Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта, — деб таъкидлади Ислам Каримов.— Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг хозирги даврдаги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур".

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим вазифани олдимизга қўйди — истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, дунёнинг тараққиёт топан мамлакатлари тажрибаси билан

таққослаган ҳолда танқидий баҳолаш, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқлаш зарур бўлади. Бунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида хусусий бизнесни ривожлантириш учун янада қулай, ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бу йўлдаги бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, албатта. Собиқ тузум пайтида сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва тадбиркорларнинг йўлига, ишига, гайрат-шижоатига гов бўладиган, ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур тақийлик, ҳуқуқий ва молиявий механизмининг яратиш ва уни амалга ошириш, кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортқича ички процедураларни бартараф этиш, ўз махсулотини ташқи бозорга олиб чиқариш қонунларида маълум имтиёزلар бериш вазифасини ҳам кун тартибига қўйди.

Мухтасар қилиб айтганда, истиқлол ҳаётимизга буюк имконият, ўзликка қайтиш, ҳар биримизнинг муштарак тақдиримиз, буюк келажакимиз, халқимизнинг дунё миқёсидаги шон-шўхрати, мартабаси, ҳаётимизнинг тинч-тотувлиги, фарзандларимизнинг камоли бўлиб қириб келди. Шундай улуг, нобизат ҳамиша бор бўлсин!

Асосий эътибор ижтимоий ҳамкорликка қаратилди


Конференция

Фармуда МУРОДОВА, «Adolat» мухбири.

Ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган делегатлари ҳамда етакчи жамоат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган навбатдаги Конференцияси давомида ЎзННТМнинг 2005-2010 йиллардаги фаолияти ҳисоботи тингланди. Таъкидландики, ҳисобот даврида Ассоциация ўз аъзоларини жалб этган ҳолда умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 50дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди. Мазкур лойиҳалар фуқаролик институтлари ҳамда ижтимоий меъёридаги Ассоциация ўз аъзоларини жалб этган ҳолда умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 50дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди. Мазкур лойиҳалар фуқаролик институтлари ҳамда ижтимоий меъёридаги Ассоциация ўз аъзоларини жалб этган ҳолда умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 50дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида белгилаб берилган муайян вазифалардан келиб чиққан ҳолда ЎзННТМнинг 2011-2013 йилларга мўлжалланган фаолият йўналишларини бир овоздан тасдиқладилар. Бунда асосий эътибор давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шеркичилигини кучайтиришга қаратилди. Шунингдек, тадбир сўнггида делегатлар томонидан Ассоциация Кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссияси таркиби сайланди.

мий қиймати 2 миллион АҚШ доллари миқдорда 50 га яқин лойиҳаларни амалга оширди. Ассоциация фаолияти мамлакатни янада демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ролини мустақкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган бўлиб, бунда асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари томонидан қонуний меъёридаги Ассоциация ўз аъзоларини жалб этган ҳолда умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 50дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди. Мазкур лойиҳалар фуқаролик институтлари ҳамда ижтимоий меъёридаги Ассоциация ўз аъзоларини жалб этган ҳолда умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 50дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди.



ҚАШҚАДАРЁ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

мамлакатимиздаги барча журналистларни ҳамда ОАВ ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди.

Уларга соғлиқ-омонлик, хотиржамлик, ижодий парвозлар тилайди.



ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ «ХОНОБОДТА»МИНОТСАВДО» МЧЖ ЖАМОАСИ



мамлакатимизда нашр этилаётган газета ва журналларда, радио ва телевидениеда меҳнат қилаётган ижодий ходимларни, барча ОАВ вакиллари касб байрами билан чин қалбдан табриклайди.

Уларнинг сермашаққат ишига ривож тилайди.



ЎЗБЕКИСТОН ТУМАН «МАТЛУБОТ-САВДО» МЧЖ жамоаси

барча қалам аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан чин юракдан табриклайди. Ҳақиқат, адолат ва ҳолислик ҳамиша иш фаолиятининг мезони бўлсин! Машаққатли, айни пайтда бағоят шарафли ишларингизда ривож тилаймиз.



«ШЎРТАННЕФТГАЗ» унитар шўъба корхонаси жамоаси

Истиқлол солномасини битаётган фидойи журналистлар, ноширлар ва матбаагиларни касб байрамлари билан ён дилдан қутлайди.

**Журналистика —
юксак масъулият,
зўр матонат, машаққат
талаб этадиган касб.
Ана шундай шарафли
касб соҳиблари —
ижод аҳлига юрт равнақи,
халқ фаровонлиги йўлидаги
саъй-ҳаракатларингиз
бардавом бўлсин, деймиз.**

**27
ИЮНЬ**

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча журналистларни,
матбаачилик соҳаси ва нашриёт ходимларини
анъанавий касб байрамлари билан
самимий муборакбод этади.

Ҳар доим бўлганидек,
27 июнь — Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ўчмас
из қолдиришини тилайди.

Машаққатли, айти дамда шарафли ишингизда
сизларга ҳамиша
омад ёр бўлсин!



Сўнгги саҳифа

Истиқлолдан
бахт топган қиз

Ҳар бир мамлакатнинг доврғини дунёга танитувчи омиллардан бири, бу — спорт. Фахр билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ҳам ўзининг спортчи фарзандлари билан дунёни лол қолдириб келаётган мамлакатлар сирасига киради.

Баҳора РАҲМОНОВА.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда спорт билан мунтазам шуғулланиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Бугун республикамизнинг қайси бир гўшасига борманг, муҳташам спорт заллари, ўйингоҳлар, спорт майдонлари қўзғингизни яшнатади. Хатто, олис қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланган спорт мактаблари, сув ҳавзалари мустақил юрт фарзандларининг ихтиёрида. Бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон ёшлари нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсдаги мусобаларда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари юртимизда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортга янада кенгроқ жалб этиш учун замин яратмоқда.

Юртбошимизнинг 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада амалга оширилаётган ишларга дастуриламал вазифини ўтамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов раислигида 2011 йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳрмилий кенгашининг навбатдаги йиғилишида қайд этилганидек, 2003-2010 йилларда мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар спорт объекти умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбари ўз мазрулариди таъкидлаганларидек, “Фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, кўрак бўлса, спортга бўлган меҳрини айна ёш болалик давридан ўйготган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам домий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз. Ҳаётнинг ўзи буни ҳар қадамда



тасдиқлаб беради. Бу фикр-хулосага ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, ўз тажрибамиз мисолида ишонч ҳосил қилишимиз, қийин эмас, албатта. Яъни, болаларимизни боғча ва мактаб ёшидан оқшол спорт оламига жалб этган ҳолда, бу борада қўзланган мақсадларга эришиш мумкин”.

Зулхумор Бобоева ҳам ўз ҳаётини спорт билан чамбарчас боғлаб, ота онаси, халқи ва албатта, Юртбошимиз ишончини оқлаш учун интилиб келаётган ёшлардан.

— Спорт менинг ҳаётим мазмуни, — дейди Зулхумор. — Опаларим ҳам спорт билан шуғулланишади. Улар ҳам чемпион. Болалигимда опаларим галабаларидан қувонардим, уларга ҳавас қилиб, “Мен ҳам катта бўлсам, спортчи бўламан” дердим. Спорт орқали дунёнинг қўллаб мамлакатларини кўрдим. Ҳар доим жаҳон ареналарида юртимиз байроғи хилпираб, мадҳиямиз янграганда, тўғриси, кўзларимдан ёш қуйлаверарди. Қалбимда жўш ураётган туйғуни фақат ўзим ҳис қиламан. Бу Ватан туйғуси бўлса керак, деб қўяман ўзимга ўзим.

Ҳаётим давомидида энг катта ютуғим Зулфия номидаги давлат мукофоти бўлди, — давом этади ёш спортчи. — Президентимиз

ташаббуси билан таъсис этилган ушбу мукофот мен каби ёш спортчи учун юксак унвондир. Биласизми, дунёнинг ҳеч бир мамлакатда 14-15 ёшли қизлар учун Давлат мукофоти таъсис этилмаган. Бу мукофот барча Зулфияноним қизлари учун истиқлол берган тўхта, деб ўйлайман.

Зулхумор ҳозир Ангреш шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси. Спортнинг “Шотокан каратэ-до” турида уч карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва Европа чемпионатларида, Туркиянинг Истанбул шаҳри ва Германиянинг Кипр оролида бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаларида 1-ўринни қўлга киритганини, Японияда ўтказилган жаҳон чемпионати ҳамда Тошкентда ўтказилган халқаро мусобақада фаол иштироки учун сертификат билан тақдирланганини болаларча бегуборлик билан сўзлаётган пайтда унинг кўзларидан ҳақиқий фахр туйғуси акс этиб туради.

Дарвоқе, Зулхумор айни кунларда Москва ҳамда Японияда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати тўғрисида кўрмоқда. Биз эса, бу галги мусобақалар ҳам унга омад келтиришини, юрт байроғини янада баланд кўтариш натижасида тилаб қоламиз.

Ёш футболчиларимиз муваффақияти

Азиз АБДУРАШИДОВ.

Мексикада 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг «D» гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи тур учрашувида АҚШ футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Алексей Евстафеев шогирдлари мустахкам ҳимоя ва тезкор қарши ҳужум тактикасида тўп сурди. Бу усул 13-дақиқада ўз самарасини берди. Терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси — 15 ёшли Бобур Давлатов узок масофадан аниқ зарба йўллаб, ҳисобни очди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида майдонга тушган Альфред Корона ҳимоячиларимизни доғда қолдириб, Ганишер Холмуродов қўриқлаётган дарвозани ишғол қилди. Ҳисоб тенглашгач, ўзбекистонлик

футболчилар ҳужумни янада кучайтирди. Азизбек Муродов, Бобур Давлатов, Жавлон Мирабдуллаев ва Аббос Махситалиев анча фаол ўйнади. Эллик тўртинчи дақиқада жамоамиз сардори Аббос Махситалиев ҳимоячиларини орда қолдириб, рақиб жарима майдончасига ёриб кирди. Ўзбекистонлик футболчиға қаршилик кўрсатолмаган Заҳари Каррол ўйин қридасини бузди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Аббос аниқ бажарди — 2:1.

«D» гуруҳидаги иккинчи учра-

шува Европа вакили — Чехия футболчилари ҳам жаҳон чемпионатларидаги дастлабки галабасига эришди. Янги Зеландия ўсмирлар терма жамоаси билан куч синашган чехияликлар Лукаш Юлисининг ягона голи эвазига рақиб устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи тур учрашувларидан сўнг гуруҳдаги тўрт жамоа ҳам ўчадан очко жамғарди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашуви 25 июнь куни Чехия футболчиларига қарши ўтказди.



Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда “Адолат” ижтимоий сиёсий газетаси тахририяти жамоаси тахририят муҳбири Фулом Хидировга падари бузруквори **Холдор ХИДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир хайлати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмол САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИКОВА, Икбол МИРЗО,
Мамазир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қозир ЖУРАЕВ,
Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамқон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru
t — Тижорат
мақола белгиси.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2093-5217
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 2 босма таблок.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6780.
Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.45
1 2 3 5

Асака банк (ОАЖ)
Жамоаси


юртимиздаги барча қалам аҳлини,
матбаа ходимларини
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади.
Байрам шукуҳи Сиз азизларга ҳамisha ёр бўлсин!



«Қўқондон
маҳсулотлари»
АЖ жамоаси

барча қаламкашларни
27 июнь — Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан табриклайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган
туб ислохотларни, хусусан,
қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган
янгилиниш жараёнларини ҳолисона тарғиб
қилишда ғайрат-шижоат кўрсатаётган
қаламкашларга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.



«Андижонгўштсавдо»
масъулияти чекланган жамияти
жамоаси

Ўзбекистон журналистларини, шу жумладан,
“АДОЛАТ” ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИНИ
Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан
чин дилдан табриклайди.
Қалбингиз шижоатга, дилингиз
диёнатга тўлиқ бўлсин!
Сизларни ҳеч қачон сўз қудрати
тарк этмасин, азизлар!

